

ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ УЧУН КУРСАНТЛАРНИ ЎҚИТИШДА ИННОВАЦИОН ЁНДАШУВЛАР

*Абдухалилов Ҳожиакбар Дилмурод ўғли,
Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси
Ички ишлар органларининг маъмурий фаолияти
кафедраси, ўқитувчиси лейтенант
E-mail: abdukhalilovkhojiakbar@mail.ru
ORCID:0000-0002-8479-7672*

*Ҳаммамизга аёнки, тараққиётнинг тамал тоши ҳам,
мамлакатни қудратли, миллатни буюк қиладиган куч ҳам бу —
илм-фан, таълим ва тарбиядир. Эртанги кунимиз,
Ватанимизнинг ёруғ истиқболи, биринчи навбатда, таълим
tizими ва фарзандларимизга бераётган тарбиямиз билан
чамбарчас боғлиқ.*

Шавкат МИРЗИЁЕВ

Аннотация. Мақолада ички ишлар органларининг таълим муассасаларида ўқитишнинг мутлақо янгича механизмларини қўллаган ҳолда, ўқув жараёнини йўлга қўйиш орқали, курсантларнинг таълим олиш сифатини янада яхшилаш ҳамда профессор-ўқитувчилар томонидан ўтилатган машғулотларни интерактив усуллар ва инновацион ёндашувлар асосида ташкиллаштириш бўйича фикр ва мулоҳазалар илгари сурилган. Ўрганишлар натижасида аниқланган муаммоларни бартараф этиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: билим, кўникма, муаммоли гуруҳлар, ахборот-технологиялари, инновация, тарқатма материал, ички ишлар органларининг таълим муассасалари, интерактив усуллар.

Сўнги йилларда Янги Ўзбекистонда таълим соҳасини ривожлантириш, Учинчи Ренессансни яратиш, бу жараёнда соҳани тубдан ислоҳ қилиш бўйича янги тизим шаклланди. Таълим соҳасида жаҳон таълим стандартларига фаол интеграциялашувини таъминлаш учун олий таълим муассасаларининг таълим сифатини ошириш ва инновацион ривожлантиришга қаратилган ишлар амалга оширилди. Кадрлар солоҳиятини юксалтириш масалари қайтадан куриб чиқилди¹.

¹ Ботирали Абдумажидович Арзиматов “Таълим сифатини ошириш масалалари ва истиқболли режалар” // Oriental Art and Culture. 2021. №4. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/talim-sifatini-oshirish-masalalari-va-isti-bolli-rezhalar> (дата обращения 20.03.2023).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 5 июнь 2018 йилдаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар туғрисида”ги ПҚ-3775 қароридан бугунги кунда олий таълим муассасаларида таълим сифатини оширишга, республикада амалга оширилаётган ислохотлар, ижтимоий ва иқтисодий соҳалардаги янгиланишларда ушбу муассасаларнинг фаол иштирокини таъминлашга тўсик бўлаётган бир қатор муаммолар борлиги таъкидланган. Улардан бири олий таълим тизимида ўқитишни ташкил этиш жараёни бугунги кун талабларига жавоб бермаётганлигидир.

Бу ва шунга ўхшаш муаммоларнинг асл сабаблари, таълим тизимида фаолият кўрсатаётган айрим педагогларимиздаги замонавий билим бериш, педагогик маҳорат, компетентлик; уларнинг уз фанини ишлаб чиқариш билан боғлаб, фан-техниканинг энг сўнги ютуқларидан, илғор хориж тажрибаларидан, замонавий ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланиб таълим олувчиларга етказиш малакасининг етишмаслигидадир².

Бугунги кунда барча жабҳа каби ички ишлар органларининг кадрлар тайёрлаш тизимида ҳам бир қанча ислохотлар амалга оширилмоқда. Жумладан, ички ишлар органлари учун мутахассислар тайёрлашнинг мутлақо янги тизимини жорий этиш, ходимларнинг малакасига қараб хизмат бўйича ўсишини таъминлаш, шунингдек, куч ва воситаларни самарали бошқаришда раҳбар кадрларнинг интеллектуал ва профессионал салоҳиятини янада оширишга қаратилган чора-тадбирлар белгилаб ўтилган³.

Ички ишлар органлари учун малакали кадрларни тайёрлашда Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, ИИВнинг Малака ошириш институти, Ички ишлар вазирлиги Академик лицейлари, “Темурбеклар мактаби” Нукус ҳарбий-академик лицейи, Ихтисослаштирилган мактаб-интернатлар ва бошқа таълим муассасалари фаолият юритиб келмоқда.

Ўқитишнинг интерфаол методларини таълим тизимида жорий қилиш замонавий кадрлар тайёрлашнинг муҳим омилларидан бири ҳисобланади.

Бугунги кунда ўқитувчи учун ўз мутахассислиги бўйича чуқур билимга эга бўлиш ва билимга чанқоқ ёшлар билан тўла аудиторияга катта ҳажмдаги

² С.Р.Абдалова “Таълим сифатини оширишда ўқитиш технологияларининг ўрни ва роли” // Science and Education. 2021. №Special Issue 1. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/talim-sifatini-oshirishda-itish-tehnologiyalarining-rni-va-rol> (дата обращения: 20.03.2023).

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 15 апрельдаги “Ички ишлар органлари учун профессионал кадрларни тайёрлашнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш бўйича чора-тадбирлар туғрисида” ПҚ-5076-сон Қарори <https://lex.uz/docs/5377619>

билимларни беришнинг ўзи етарли эмас. Ўтказилган кўпгина тадқиқотларнинг натижаларига кўра, ўқитишга янгича қараш, талабаларни ўқитишда фаол ёндашувлардан фойдаланиш билим беришнинг энг самарали йўлларида бири ҳисобланади.

Таълим жараёнини оптимал усуллар билан ташкиллаштирилиши ички ишлар органларининг бўлажак ходимларини билим ва кўникмаларини оширишга хизмат қилади. Бунда, таълим муассасаси профессор-ўқитувчилари томонидан фанни сифатли ўқитишда интерфаол усулларни қўллаган ҳолда, ўқитилиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Ўқув жараёнида интерфаол ва мултимедиа технологияларидан самарали фойдаланиш катта ёрдам беради. Ушбу технологиялардан моҳирона фойдаланиш курсантларга янги материални ўзлаштиришда фаоллик ва мустақилликни намойиш этишга имкон беради. Бундан ташқари, замонавий технологиялардан фойдаланиш ўрганишга қизиқишни уйғотишга имкон беради.

Ушбу соҳада Рольф Броккет каби баъзи изланувчилар машғулоти аралаш тарзда ўтказишни маслаҳат беради, яъни маъруза ва семинар машғулотини ўзига хос маъруза – мунозара шаклда ўтказиш ёрдамида ўқувчиларни фан бўйича қизиқишларини янада кучайтириб, фаннинг қийин бўлган назарий ва илмий жиҳатларини осон ва тез ўзлаштиришга замин яратади.

Таълим жараёнида интерфаол методлар ва уларнинг қўлланишига ўтишдан олдин, “интерфаол” ва “интерфаол таълим” тушунчаларига тўхталиб ўтсак мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Ўзбек тилининг изоҳли луғатида “*интерфаол*” – маълумотларни, ахборотларни компьютер тармоғи орқали қабул қилиш ёки узатишга асосланган. Ўқитувчи ҳар қандай шароитда муаммоли, интерфаол усулда дарс ўтишга тайёр бўлиши кераклиги ҳақида⁴ кўрсатиб ўтилганлигини кўришимиз мумкин.

“*Интерфаол*” тушунчаси инглиз тилидаги “interact” (рус тилида “интерактив”) сўздан олинган бўлиб, луғавий нуқтаи назардан “inter” – ўзаро, икки тарафлама, “act” – ҳаракат қилмоқ, иш кўрмоқ каби маъноларни англатади.

Интерфаол таълим – таълим жараёни иштирокчиларининг билим, кўникма, малака ҳамда муайян ахлоқий сифатларни ўзлаштириш йўлида биргаликда, ўзаро ҳамкорликка асосланган ҳаракатни ташкил этишга асосланувчи таълим.

Таълим сифатини оширишдаги муаммолар ва уларнинг ечимлари табиийки илмий ва назарий хулосалар билан асослантирилган бўлиши шарт. Айнан шу масалалар юзасидан Д.А. Хидоятова “*Интерфаол таълим* - ўқитувчи ва

⁴ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. А.Мадвалиев таҳрири остида (2006-2008) <https://ziyouz.uz/durdonatoplamlar/uzbek-tilining-izohli-lugati/> (мур. вақти 21.03.2023 й)

тингловчи (ўқувчи, талаба) таълим методлар, шакллар, воситалардан муайян шароитда, маълум кетма-кетликда фойдаланиш ва шу жараёнда ўзаро фаолликни вужудга келтириб билим, кўникма, малаканинг ҳосил бўлиши ва ривожланишидир”⁵ – дея таъкидлайди ўз илмий қарашларидан бирида.

Таълим жараёнига электрон ахборот таълим ресурсларини жорий этиш ҳамда интерфаол усулларни қўллаш бўйича Г.Н. Ибрагимова⁶, Д.Б. Якубжанова⁷, Ш.И. Низомова⁸, Ф.И. Очилов⁹, Д.Т. Пулатовалар¹⁰ илмий ва назарий изланишлар олиб боришган.

Я.А. Коменский “Буюк дидактика” асарида ўқув машғулотларини гуруҳ шаклида ташкил қилиш, ўқув йили ва ўқув кунини бир вақтда бошлаш машғулотлар орасида танаффуслар берилишини, гуруҳлардаги болаларнинг ёши ва сони бир хил бўлишига алоҳида эътибор берди. Дарс давомида ўқувчилар диққатини туплаш, материалларни батафсил тушунтириш, ўқувчига саволлар бериш, ўзлаштириш жараёнини назорат қилиш зарурлигини таъкидлайди¹¹.

Америкалик психолог олимлар Р. Карникау ва Ф. Макэлроунинг ўрганишларига кўра, шахснинг табиий физиологик-психологик имкониятлари муайян шаклларда ўзлаштирилган билимларни турли даражада сақлаб қолиш имконини беради.

⁵ Хидоятова Дилафруз Абдугаффаровна Педагогик жараенда таълим моделлари ва интерфаол таълим // Современное образование (Узбекистан). 2019. №6 (79). URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/pedagogik-zharaenda-talim-modellari-va-interfaol-talim> (мур. вақти 21.03.2023 й).

⁶ Ибрагимова Г. Н Олий таълим тизимида интерфаол технологиялар воситасида талабалардаги ижодий фикрлашни ривожлантириш // Современное образование (Узбекистан). 2017. №4. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/oliy-talim-tizimida-interfaol-tehnologiyalar-vositasida-talabalaridagi-izhodiy-fikrlashni-rivozhlantirish> (мур. вақти 21.03.2023 й).

⁷ Якубжанова Дилобар Ботировна Дефектолог-талабаларнинг билим ва малакаларини педагогик технологиялар асосида шакллантириш йўллари // Современное образование (Узбекистан). 2017. №10. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/defektolog-talabalarining-bilim-va-malakalarini-pedagogik-tehnologiyalar-asosida-shakllantirish-y-llari> (мур. вақти 21.03.2023 й).

⁸ Низомова Ш. И. Малака ошириш курси тингловчиларида интерфаол дарсларни олиб бориш компетентлигини ривожлантириш // Современное образование (Узбекистан). 2017. №5. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/malaka-oshirish-kursi-tinglovchilarida-interfaol-darslarni-olib-borish-kompetentligini-rivozhlantirish> (мур. вақти 21.03.2023 й).

⁹ Очилов Ф. И. Илғор педагогик технологиялар асосида бошланғич синфларда дарс самарадорлигини оширишнинг хусусиятлари // Современное образование (Узбекистан). 2016. №5. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/il-or-pedagogik-tehnologiyalar-asosida-boshlan-ich-sinflarda-dars-samaradorligini-oshirishning-hususiyatlari> (мур. вақти 21.03.2023 й).

¹⁰ Пулатова Д. Т. Таълим жараёнига электрон ахборот таълим ресурсларини жорий этишнинг педагогик шарт-шароитлари // Современное образование (Узбекистан). 2015. №7. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/talim-zharayoniga-elektron-ahborot-talim-resurslarini-zho-riyetishning-pedagogik-shart-sharoitlari> (мур. вақти 21.03.2023 й).

¹¹ Касб таълимнинг замонавий ташкилий шакллари <http://hm.ttiame.uz/storage/web/source/1/pedagogika>

Яъни: шахс манбани ўзи ўқиганида 10 %; маълумотни эшитганида 20 %; содир бўлган воқеа, ходиса ёки жараёни кўрганида 30 %; содир бўлган воқеа, ходиса ёки жараёни кўриб, улар тўғрисидаги маълумотларни эшитганида 50 %; маълумот (ахборот)ларни ўзи узатганида (сўзлаганида, билимларини намоиш этганида) 80 %; ўзлаштирилган билим (маълумот, ахборот)ларни ўз фаолиятига татбиқ этганида 90 % ҳажмдаги маълумотларни ёдда сақлаш имкониятига эга экан.

Фан бўйича мавзунини ўқитишда замонавий педагогик технологияларни қўллашда таълим жараёнини оптималлаштириш учун омил бўладиган “ақлий ҳужум”, “case study”, “савол-жавоб”, “баҳс мунозара”, “кластер” каби педагогик технологияларни кўриб чиқамиз.

“Case study” (кейс стади) усули муайян вазиятлар орқали ўрганиш – курсантларни ўқитувчи белгилаб берган реал вазиятни таҳлил этиш ва ҳал қилиш таклифларини ишлаб чиқишга йўналтирилган метод. Муайян вазиятлар (амалиётдан олинган ҳолат ёхуд сунъий танланган реалликка асосланган бўлади) таҳлил индивидуал ёки кичик гуруҳларда амалга оширилиши мумкин.

Курсантларга амалдаги қонунлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни, амалиётдаги ҳолатларни амалий қўлланмалар ёрдамида тақдим этиш мақсадга мувофиқ, зеро муайян ҳолатлар ўқитиш жараёнини ҳаётийлигига, яъни амалиёт билан узвий боғлиқликда олиб бориш имконини беради.

Кейс курсантларга мавзу доирасида муаммони аниқлашга, уни ҳал этиш учун аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқиш, ҳал этиш йўллари эркин излаш, таҳлил қилиш ва ҳуқуқий баҳо бериш кўникмаларини беради. Кейс таҳлил қилиш жараёнида курсантлар бир-бирлари билан мулоқот қилишни коммуникацион ҳолатларини шакллантиради. Кейс стади курсантларнинг назарий билимларини амалиётда қўллаш, татбиқ этишга асосланади.

“Баҳс мунозара” усули ўқитувчи роли нейтрал нуқтаи назарда турган ёрдамчи сифатида бўлиши лозим. Ўқитувчи дискуссияни олиб боришда курсантларни ҳимоя қилинишига мажбурламайдиган, аксинча муҳокамага чорлайдиган саволлар билан мурожаат қилиши лозим.

Курсантлар ўртасида фикрлар алмашинуви бошланган, ўқитувчи муҳокамада барча учун тенг ҳуқуқлар ўрнатилиши, гапирмоқчи бўлганларнинг барчасига бир хил имконият берилишига алоҳида эътибор бериши лозим. Агарда жавоблар ноаниқ ва тушунарсиз бўлса, ўқитувчи саволнинг асосий моҳиятини очмасдан уларни изоҳлаб бериши лозим. Муҳокама жараёнида курсантлар мавзудан четга чиқиб кетмаслигини назорат қилиш лозим.

“Савол-жавоб” усулида курсантларнинг саволга берган тўғри жавобларини такрорлаш лозим (бунда курсантлар қаноатлантирилади, бошқалар ҳам тўғри жавобни эшитади).

Саволга тўғри жавоб берган курсантни рағбатлантириш лозим (бу унинг мавзуга бўлган қизиқишини кучайтиради, рағбатлантириш чоралари мақтов, ижобий имо-ишоралар орқали амалга оширилши мумкин).

Саволга берилган жавоб қисман тўғри бўлса, ўқитувчи жавобнинг тўғри қисмини маъқуллаб, нотўғри қисмини тўғрилаши, бу имкониятни бошқа курсантга бериши керак.

Курсант саволга нотўғри жавоб берса, ўқитувчи танқидий бўлмаган эътирозни билдириши ёки саволни бошқача, яъни курсантларни тўғри жавобга етаклайдиган тартибда қўйиши лозим.

“Кластер” (ахборотни ёйиш) усули курсантлар томонидан “Фан” мавзусида гуруҳ ёзув тахтасига кичик гуруҳлар сонига қараб ватман осилади ёки ҳар бир курсантга тарқатиб чиқилади ва “калит” сўзлар ўқитувчи (айрим ҳолларда курсантлар) томонидан ёзилади ва уларда кўп вариантлик асосида ахборот ва ҳодисаларнинг ўзаро ички ва ташқи боғланишларини аниқлаш кўникмаларини шакллантиради, ахборот бўйича фикр-мулоҳазаларни эркинлаштиришга ёрдам беради.

“Ақлий ҳужум” усули курсантларни ўтиладиган машғулот мавзусидан келиб чиқиб, муаммо ва камчиликлар хусусида кенг ва ҳар томонлама фикр юритиш, ўз тасаввурлари, ғояларидан ижобий фойдаланишга доир кўникма, малакаларни ҳосил қилишга рағбатлантиради. У ёрдамида ташкил этилган машғулотларда ихтиёрий муаммолар юзасидан бир неча оригинал (ўзига хос) ечимларни топиш имконияти туғилади. Ушбу усул ахборотлар тўғрисидаги маълум қарашларни аниқлаш, уларга муқобил ғояларни танлаш учун шароит яратади¹².

Ҳарбийлаштирилган таълим муассасаларида курсант ва тингловчилар семинар машғулотларига пухтароқ тайёрганлик кўриш учун маърузачи томонидан тарқатма материаллар тарқатилади. Тарқатма материалда мавзу бўйича маърузада кўриб чиқилган маълумотлар ҳамда курсантларнинг мустақил тайёргарлик вақтларида ўзлаштиришлари лозим бўлган маълумотлар бўлади.

Тарқатма материаллар – таълим сифатини оширишга хизмат қилувчи восита бўлиб, мавзу бўйича қисқача аниқ бўлган маълумотларни ўзида акс эттиради. Тарқатма материалларнинг асосий функцияси шундаки, унинг ёрдами билан ўрганилаётган муаммони янада самарали намойиш этиш орқали, курсантлар эшитиш, кўриш ва ҳис қилиш қобилиятларини фаол жалб қилиш мумкин.

¹² Таълимни ташкил этишда замонавий интерфаол методлар: Ўқув-услугий тавсиялар / Ў. Х. Мухамедов, М. Ҳ. Усмонбоева, С. С. Рустамов. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2016. – 45 б

Статистик маълумотларга қараганда, *Microsoft Power Point* дастурида бирон бир зарур бўлган маълумотни узатиш учун кунига 30 миллиондан ортиқ тақдимотлар тайёрланиши изланишлар давомида аниқланди. Бугунги келиб, *Microsoft Power Point* дастуридан фойдаланувчилар сони 500 миллиондан ортиқ эканлигини кўришимиз мумкин¹³.

Таълим жараёнида маъруза машғулотларини тақдимотларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Кўп профессор-ўқитувчилар *Microsoft Power Point* дастурларидан фойдаланиши бизга сир эмас.

Ўрганишлар натижасида, ҳарбийлаштирилган таълим муассасалар профессор-ўқитувчилари томонидан машғулотларни ўтишда замонавий педагогик технологияларни қўллашдаги бир қанча *субъектив* ва *объектив* муаммолар аниқланди.

Жумладан, *субъектив* омилларга:

- профессор-ўқитувчиларнинг замонавий педагогик технологияларни қўллашдаги билимлари етарли эмаслиги;
- ўз фанига доир билимларнинг мукамал билмаслиги;
- касбий маҳоратининг етарли даражада эмаслиги;
- айрим ходимларнинг ёши катта бўлганлиги сабабли, АТларни яхши тушунмаслиги;
- ўз устида мунтазам равишда ишлаб замон билан ҳамоҳанг эмаслиги ва бошқалар;

Объектив омилларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

- профессор-ўқитувчилар замонавий педагогик технологияларни қўллаш учун моддий-техник база билан тўлиқ таъминланмаганлиги. Жумладан: Аудиторияда “Электрон доска” воситаларининг мавжуд эмаслиги;
- локал интернетни ишлаш тезлиги пастлиги;
- профессор-ўқитувчиларга бириктирилган хизмат компьютерлар замон талабига жавоб бермаслиги;
- профессор-ўқитувчиларнинг касбий маҳоратини оширишга қаратилган тадбирларнинг етарли даражада ташкиллаштирилмаслиги;
- курсант ва тингловчиларни ўқув жараёнидан ажратиб, ҳар хил турдаги жамоатчилик ишлари ва бошқа юмушларга жалб қилиниши натижасида машғулотларга тайёргарлик кўриш учун вақт етарли бўлмаслиги;
- бошқа давлат органлари ва ташкилотлардан келаётган топшириқлар ва назорат варақлари кафедра ўқитувчиларига бириктирилиши натижасида, дарс машғулотларга юзаки тайёргарлик кўриш ҳолатлари учраётганлиги;

¹³ <https://www.google.com/search?q=How+many+percent+of+teachers+use+Microsoft+PowerPoint&rlz=1C1IXYC>

- дарс машғулотларини доимий равишда видеокузатув мосламалари ёрдамида кузатиб борилиши натижасида, профессор-ўқитувчиларни (қолипга) солиб қўйиши дарс машғулотининг асл мақсадига эришишда тўсиқ бўлиб қолмоқда.

Ҳарбийлаштирилган таълим муассасасида таҳсил олувчи курсант ва тингловчиларнинг маъруза машғулотларида етарли даражада мавзу юзасидан назарий ва амалий билимларни олмаётганликларини қуйидаги омиллар билан изоҳлаш мумкин:

биринчидан, аудиториядаги тингловчиларнинг ҳаддан зиёд кўплиги. Бу таълим сифатига ўз таъсирини ўтказмай қолмайди;

иккинчидан, ижтимоий-гуманитар йўналишдаги фанларнинг ўқитилиши. Натижада, келгусида фаолияти учун керак бўлмаган фанни ўзлаштириш учун кўп вақт сарфланиши.

учинчидан, профессор-ўқитувчилар томонидан маъруза учун тайёрланган тақдимотларнинг зерикарли чиқиши. Яъни слайдлар фонини бирхиллиги, маълумотларнинг кўплиги, слайдга видеороликларнинг қўйилмаслиги, маърузани бир хил темп ва овозда ўқилиши.

Фикримизча, қуйидаги таклиф ва тавсиялар машғулотларни, айниқса, маъруза ва семинар машғулотларини ўтказишда юқорида келтирилган муаммоларни бартараф этишаг хизмат қилади:

1. Маъруза тақдимотларини тайёрлашда бошқа илова ва дастурлардан ҳам фойдаланиш. Масалан, *Canva.com* онлайн дастури орқали *Microsoft Power Point* дастури бажаролмайдиган вазифа ва функцияларни амалга ошириш анча осон, тез ва сифатли. Ушбу дастурда маърузачи интернетдаги тайёр слайдларни олиши ва уларни ўзи хоҳлагандек безатиши, ҳар хил турдаги фонлар ва гифларни қўйиши мумкин. Энг қизиқарли жиҳати шундаки, тайёрланган слайдни *PDF, PNG, POWER POINT* ва видеомаъруза шаклида юклаб олиш имкониятини беради. Ундан ташқари, тайёрланган тақдимотни кўриш учун алоҳида ссылка тақдим этилади. Бунинг ёрдамида эса *Canva.com* онлайн дастурида очилган саҳифада сақланган тақдимотни хоҳлаган *Google Chrome* браузерлари орқали кўриш имконияти бўлади.

2. Маъруза машғулотларини ўтказишда аудиториядаги курсант ва тингловчилар сонини ҳисобга олиш мақсадга мувофиқ бўлар эди. Ёзнинг иссиқ кунларида маъруза залларида дарс ўтиш ҳам, ўтириш ҳам бирмунча ноқулайликлар олиб келади;

3. Айрим профессор-ўқитувчиларнинг замонавий педагогик технологиялар билан ишлаш фаолиятида касбий маҳоратини янада ошириш зарурати мавжуд;

4. Ўқитишда “Устоз шогирд” анъаналарини давом эттирган ҳолда, ёш педагогларнинг малакали профессор-ўқитувчиларнинг машғулотларига ўзаро

қатнашувини кўпайтириш, шу орқали, ёш педагогларда касбий маҳорат сирларини ривожлантириш фойдадан ҳоли бўлмас эди.

Юқорида келтирилган таклиф ва тавсиялар ҳарбийлаштирилган таълим муассасаларининг ўқув жараёнида мавжуд бўлган муаммолар ечимини топишда ёрдам беради деб умид қиламиз.